



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2015 йил 1 октябрь, № 190 (6373) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК — ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК АСОСИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида 29-30 сентябрь кунлари Наманган ва Фарғона вилоятларида бўлди.



Давлатимиз раҳбари Фарғона вилоятига сафарининг иккинчи куни Фарғона туманидаги “Мустақиллик шукронаси” фермер хўжалиги далаларида бўлиб, вилоят фермерлари ва фаоллари билан суҳбатлашди.

Дехқон мўл ҳосил етиштириш учун йил бўйи тайёргарлик кўради, она ерга меҳрини бериб меҳнат қилади. Сиз каби инсонларнинг фидойилиги туфайли етиштирилган мўл ҳосил мамлакатимизнинг улкан хирмонини бунёд этишда, иқтисодий таъминини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади, деди Президентимиз.

Амалга оширилаётган барча ислохотлар замирида халқимизнинг, хусусан, фарзандларимизнинг бахтуқиболи, уларнинг ҳеч қимдан кам бўлмай вояга етишини таъминлашдек олижаноб мақсад мўжассам. Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ баркамол авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан этиб белгиланди. Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва, албатта, бахт-

ли бўлиши шарт, деган эзгу тамойилнинг самараларини бугун ҳаётимизнинг барча жабҳаларида кўриб турибмиз.

Мамлакатимиз ўз тараққиёт йўлидан дадил бормоқда. Шахару қишлоқларимиз обод, хонадонларимиз файзу баракали, халқимиз дастурхони тўкин экани юртимиздаги тинчлик ва осойишталик самарасидир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кўмагида АҚШнинг Колумбия университети томонидан ўтказилган “Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари” рейтингига Ўзбекистон жаҳонда 44-ўринни, МДХ давлатлари орасида биринчи ўринни эгаллагани барчамизга гурур ва қувонч бағишлайди. Бу “Ислохот — ислохот учун эмас, аввало инсон учун, унинг манфаатлари учун” деган эзгу ғоянинг амалдаги ёрқин ифодасидир, деди Юртобшимиз.

Қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган изчил ислохотлар самарасида ерга, меҳнатга муносабат ўзгарди. Давлатимиз раҳбари томонидан фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга, фермерлар

меҳнатини рағбатлантиришга кўрсатилаётган алоҳида эътибор юксак самаралар бермоқда. Буни Фарғона вилояти фермерлари етиштирган мўл ҳосил мисолида ҳам кўриш мумкин.

Вилоятдаги 3590 фермер хўжалиги 100 минг гектардан зиёд майдонда пахтадан мўл ҳосил етиштирди.

Абдумажид Яхёев раҳбарлик қилаётган “Мустақиллик шукронаси” фермер хўжалиги аъзолари 109 гектар майдонда пахта ва галла етиштираётди. Фермер хўжалиги кўп тармоқли бўлиб, пахтачилик, галлачилик, чорвачилик, паррандачилик, нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўналишларида фаолият кўрсатмоқда. Жорий йилда 45 гектар майдонда галла етиштирилиб, гектаридан 62 центнердан ҳосил олинди. 64 гектар майдонда етиштирилган пахта йиғиб-териб олинмоқда.

Фермерлик ҳаракатини изчил ривожлантириш, фермерларни қўллаб-қувватлаш натижасида вилоятда пахта, галла, пилла ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсу-

лотлари етиштириш шартнома режаси ортиги билан бажарилмоқда.

Президентимизнинг 2012 йил 22 октябрдаги “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида мувофиқ Фермерлар кенгашлари ташкил этилгани соҳа самардорлигини оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш, хом ашё етиштириш билан кифояланмасдан, уни қайта ишлашни йўлга қўйиш ва ривожлантириш, кўп тармоқли фермер хўжалиқларини кўпайтириш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш зарурлигини таъкидлади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Фарғона вилояти бўлими раҳбари Энаҳон Сиддиқова, Тошлоқ туманидаги “Заркент саховати” фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пахтакор Зебихон Рустамова, Фарғона вилояти Фермерлар кенгаши раиси Абдуғаффор Раҳимов, Ёзёвон туманидаги 22-мактаб ўқитувчиси Ўқтамхон Солиева, Фурқат туманидаги “Уста Юсуфжон наққош” оилавий корхонаси уста наққоши Маҳаматали Юнусов ва бошқалар дунёда тараққиётнинг “ўзбек модели” сифатида эътироф этилган дастур барча соҳаларда улкан самаралар бераётганини, халқимизнинг турмуш даражаси ва фаровонлиги юксали бораётганини қайд этди. Бу ютуқларнинг барчаси Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар натижаси эканини фахр билан таъкидлади.

Президентимиз Ислон Каримовнинг Наманган ва Фарғона вилоятларида сафари давомидаги учрашув ва мулоқотлар, билдирилган фикрлар мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар юксак самаралар бераётганини, Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигини мутасил юксалтиришга хизмат қилаётганини, халқимизнинг эртанги кунга ишончи мустаҳкам эканини яна бир бор намоён этди.

**Матназар ЭЛМУРОВОВ,
Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ,
ЎЗА махсус мухбирлари.**

Аъло АБДУЛЛАЕВ олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Қадрли устоз ва мураббийлар!

Авваламбор, сиз, азизларни умумхалқ байрами — Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан чин қалбимдан табриклаб, барчангизга ўзимнинг чуқур хурмат-эҳтиромим ва самимий тилакларимни изҳор этаман.

Бу дунёда ҳар қайси онгли инсон — қаерда ишласин, қандай касбу кор, лавозим эгаси бўлмасин, унга билим ва тарбия бериб, ҳаётга йўллаган муҳтарам ўқитувчи ва мураббийлари олдида ҳаммиша қарздорлик ҳисси билан яшайди.

Ҳақиқатан ҳам, ўзининг кўз нури, қалб кўри, бутун борлигини бағишлаб, барчамизга эзгуликдан сабоқ берган, отадек мўътабар, онадек меҳрибон сиз, азиз устозларнинг ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган машаққатли ва шарафли меҳнатингиз учун ҳар қанча таҳсин ва ташаккурлар айтсак, арзийди.

Муҳтарам ўқитувчи ва муаллимлар!

Ўзбекистонимиз ўз мустақиллигини қўлга киритиб, тарихан қисқа даврда, халқимизнинг фидокорона меҳнати ва матонати билан дунё миқёсида “ўзбек модели” деб тан олинган, ўзимизга хос, ўзимизга мос тараққиёт йўлини амалга оширганимиз ҳисобидан бугунги кунда шаҳар ва қишлоқларимиз, бутун юртимиз қиёфаси тубдан ўзгариб, аҳолимизнинг ҳаёт даражаси ва сифати тобора юксалиб бораётгани барчамизга мамнунлик бағишлаб, яқин ва узоқ кўшниларимизнинг ҳавасини тортмоқда, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Бундай барқарор сурувлар билан ривожланишга эришиш учун биз қандай оғир йўлни босиб, турли синов ва қийинчиликларни, гов ва тўсиқларни енгиб ўтганимиз, бугунги юксак марраларни қўлга киритишда ҳал қилувчи роль ўйнаган омил ва мезонлар ҳақида албатта кўп гапириш мумкин.

Бу ҳақда сўз юритганда, авваламбор, амалда ўзини оқламаган эски мустабид тузумнинг қолип ва ақидаларидан бутунлай холи бўлган, тез ва шиддат билан ўзгариб бораётган замон билан ҳаққамдам бўлиб, янгича, мустақил фикрлайдиган, тараққий топган давлатлардаги тенгдошлари билан беллашувга тайёр, изланиш ва доимо изланиш, гурур ва ифтихор билан яшайдиган янги авлодни тарбиялаш бўйича қандай улкан вазифаларни адо этганимизни яна бир бор эслашимиз ўринли, деб ўйлайман.

Ўз-ўзидан аёнки, биз мустақил ҳаётга қадам қўйиб, энг ривожланган мамлакатлар қаторига киришни, юртимизда демократик давлат, обод ва фаровон жаҳият қуришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунинг учун аввало айни шундай буюк ишга қодир бўлган янги авлодни вояга етказмасдан туриб, бу йўлдаги барча-барча ҳаракатларимиз пучга чиқishi муқаррар эди.

Бундан 18 йил олдин қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва 2004 йилда тасдиқланган Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури,

шу соҳада амалга оширган бошқа кенг кўламли ишларимиз нафақат таълим-тарбия тизимини, балки бутун жаҳиятимиз ҳаётини кескин ўзгартириб юборгани, ижобий маънодаги “портлаш эффекти”ни берганига бугун яққол гувоҳ бўлмоқдамиз, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Шу борада сизларга бир фикрни ҳеч иккиланмасдан айтишни зарур, деб биламан.

Тарихий аҳамиятга эга бўлган бу дастурларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этишда, уларни янада чуқурлаштиришда, ҳозирги давр талабларига жавоб берадиган янги таълим стандартлари ва дастурларини, дарслик ва методик қўлланмаларни яратишда, энг муҳими, болаларимизга замонавий таълим ва тарбия бериб, уларнинг қалбига, юрагига етиб боришда сиз, хурматли устоз-мураббийларнинг хизматларингиз нақадар беқиёс бўлганини халқимиз яхши билади ва юксак қадрлайди. Келажагимизни ҳал қиладиган ана шундай оламшумул ишга қўшган буюк ҳиссангиз учун ўзимнинг энг яқин маслаҳатчиларим ва маслақдошларим бўлган сиз, азизлардан умрдоқ миннатдорман ва барчангизга чин қалбимдан таъзим қиламан.

Хурматли дўстлар!

Бугунги кунда миллионлаб болаларимиз янгитдан барпо этилган ва реконструкция қилинган 10 мингга яқин мактабларда, 1 минг 556 та лицей ва коллежда, 70 дан зиёд олий ўқув юртиларида янги таълим тизими асосида билим ва тарбия олиб, замонавий касб-хунарларга эга бўлиб ҳаётда ўз муносиб ўрнини топмоқда, мамлакатимиз таълим моделининг самараси ва рақобатдошлигини халқаро майдонларда яққол намоён этмоқда.

Униб-ўсиб келаётган ўғил-қизларимиз юртимизда яратилган ноёб имкониятлардан баҳраманд бўлиб, илм-фан чўққиларини, хорижий тилларни, замон талаб қилаётган касб-хунарларни пухта эгаллаб, она-Ватанимизга садоқатли, муносиб фарзандлар, унинг ишонган посбондари, ҳимоячилари, биз бошлаган ишларимизнинг давомчиси бўлиб вояга етаётганини кўриш, уларнинг қувончига шерик бўлиш биз, ота-оналар, устозлар учун энг катта бахт эмасми?

Қадрли юртдошлар!

Бугун биз бошимиздан кечираётган XXI аср, шиддат билан ўзгариб бораётган глобаллашув жараёнлари, интеллектуал салоҳият, интернет ва ахборот-коммуникация технологиялари ҳал қилувчи аҳамият касб этаётган, жаҳон бозоридаги рақобат кўлами ва кескинлиги тобора шарафатсиз тус олаётгани ҳар қайси давлат, ҳар қайси халқ олдида гоёта муҳим ва ўткир талабларни қўймоқда. Бугун ҳаммамизга аён, ана шундай талабларни ҳисобга олиб, улар билан ҳамоҳанг бўлиб яшамасак, бутун борлигимизни шу йўлда сафарбар этмасак, ҳеч шубҳасиз, биз умумбашарий тараққиётдан четда қолиб кетишимиз муқаррар.

(Давоми 2-бетда.)

1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни

Раҳмат сизга, муаллим, таъзим сизга, устозлар!

Ёш авлод таълим-тарбияси — машаққатли ва шарафли юмуш. Устоз отангдек улуг, деган асрий ҳикмат, ўзбекона лутф замирида ҳам ана шу ҳаётий ҳақиқат мўжассам. Шу боис истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида ўқитувчи ва мураббийлар меҳнатини эъзозлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш масаласи давлатимиз сиёсати даражасига кўтарилди.

Хусусан, “Таълим тўғрисида”ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури каби жаҳон тажрибасида ноёб саналган тараққиётнинг ўзимизга мос ва хос йўли тизимга татбиқ этилиши туфайли жаҳон эндозалари даражасида янги ўқув бинолари барпо этилди, мавжудлари қайта реконструкция қилинди, уларнинг моддий-техник

базаси мустаҳкамланиб, замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, жиҳозлар, компьютер техникалари билан таъминланди.

Бинобарин, 1997 йилдан буён юртимизда 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланиб келинмоқда.

Ушбу сана маърифатпарвар халқимиз, фарзандлари камолини кўриш истагидаги ота-оналар, билимга чанқоқ

ёшлар учун ҳам қувончли айёмдир. Чунки меҳридарё устозларни ардоқлаш, уларга эҳтиром кўрсатиш халқимизнинг азалий ва истиқлол йилларида янгича маъно-мазмун касб этган қадриятларидан бири саналади.

Байрам арафасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда пойтахтимиздаги умумтаълим мактабларининг бир гуруҳ ўқитувчи ва мураббийлари, педагоглар Мустақиллик майдонини зиёрат қилиб, хурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйдилар. Пойтахтимизда умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар, олий таълим тизимида кечатган ўзгаришлар билан

яқиндан танишиш мақсадида мактаб ва коллежлар, олий ўқув юртиларида, музейлар, маданий-маърифий масканлар ҳамда санъат саройларида бўлиб, мустақиллик йилларида Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишларини кўздан кечирдилар.

Анъанага мувофиқ, пойтахтимиздаги “Туркистон” саройида мазкур умумхалқ байрамга бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Шу муносабат билан бу ерга турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, таълим-тарбия соҳасида узоқ йиллар давомида самарали меҳнат қилган педагоглар, илғор ўқитувчилар, олимлар ва талаба-ёшлар тақлиф этилди.

(Давоми 2-бетда.)

ҒАМХЎРЛИКДАН ОБОД КЎНГИЛЛАР

Халқимизда кексаларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, уларни эъзозлаш, бой ҳаётий тажрибасидан унумли фойдаланиш эзгу қадрият даражасига кўтарилган. Айниқса, истиқлол йилларида бу йўналишдаги ишлар қўламини янада кенгайтирди. Аввало, ёши улуг инсонларни ижтимоий ҳимоя қилиш давлат томонидан қафолатланиб, тегишли қонунлар, Президентимизнинг Фармон ва қарорлари қабул қилинди.

Ўз вақтида Ватанимиз тараққиётига бор куч-ғайрати ва билимини сарфлаган, эндиликда эса қариллик гаштини сураётган нурунийлар бугун халқимиз, давлатимиз ардоғида умргузаронлик қилмоқда. Жорий йил "Кексаларни эъзозлаш йили" деб эълон қилиниб, тегишли Давлат дастури қабул қилиниши бу борадаги ишларни янги bosқичга кўтарди. Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуруний" жамғармаси марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Шухрат УСМОНОВ муҳбиримизга ана шулар хусусида гапириб берди.

ни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилгани ҳам ўз ифодасини топган.

Президентимизнинг 2014 йил 13 октябрдаги "1941 — 1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини янада кўлаб-қувватлашни янада кучайтириш чоралари тўғрисида"ги Фармони бунинг тасдиғидир. Унда кексаларнинг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш билан боғлиқ қатор долзарб вазифалар, хусусан, йилда бир марта

лағлари ҳисобидан ёлғиз кексаларга дори-дармон воситалари олиб берилди. Бандликка кўмаклашувчи ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари томонидан ижтимоий хизматга олинган 17,6 мингдан зиёд ёлғиз кекса, пенсионер ва ногиронларнинг барчаси тиббий кўриқдан ўтказилиб, 13 мингдан ортиги амбулатор ва стационар шaroитида соғломлаштирилди. Бундай хайрли ишлар ҳозир ҳам изчиллик билан давом эттирилляпти.

Президентимизнинг тегишли Фармони билан жой-лаҳда маҳаллий ҳокимликлар, ҳамкор ташкилотлар иштирокида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига 700 минг сўмлик пул мукофотлари ва эсдаллик медаллари топширилди. Айни чоғда

турибди. Шу мақсадда мазкур муассасаларнинг моддий-техник базасини мустақамлаш ва уларни зарур тиббий ускуналар ҳамда дори-дармон воситалари билан таъминлаш чоралари кўрилмоқда. Кексаларимиз юртимиздаги 37 санаторий-соғломлаштириш муассасида давлат бюджети ҳисобидан ўз саломатлигини мустақамлаш имкониятидан ҳам баҳраманд бўлмоқда.

Фахрийларимизнинг маданий дам олиши учун ҳам зарур шарт-шaroит яратиб берилляпти. Хусусан, улар учун концерт дастурлари уюштирилиб, фильм ва спектакллар намойиш этилмоқда. Бундай маданий тадбирларга 272 минг нафарга яқин кекса авлод вакиллари қамраб олингани эътиборга қолдириш керак. Шунингдек, улар учун саёҳатлар ҳам уюштирилмоқда. Ҳозиргача юртимиз бўйича 17 мингдан зиёд уруш ҳамда меҳнат фахрийлари Самарқанд, Хива ва Бухоро шаҳарларидаги муқаддас қадимки ва тарихий обиданлари, пойтахтимизда истиқлол йилларида барпо этилган иншоотларни томоша қилишди.

Яна бир гап: ҳар йили Мустақиллик байрами арафасида Юртбошимиз Фармони билан 100 ёшга кирган нурунийлар "Шухрат" медали билан тақдирлаб келинляпти ҳам мамлакатимизда кексаларга эътибор ва уюмчалари Федерацияси томонидан 300 минг сўмдан пул мукофотлари берилди. Шунингдек, улар дори-дармон воситалари билан таъминланди.

Умуман, ҳукуматимиз томонидан 5963 нафар уруш ва меҳнат фронти фахрийлари ҳамда 100 ва undan ошган кексаларга умумий қиймати 2 миллиард 20 миллион сўмликдан зиёд совғалар берилди. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, жамоат ташкилотлари ҳамда тадбиркор ва фермерлар кўмағида фахрийларга байрам дастурхонлари ёзилиб, уларнинг ҳар бирига мамлакатимизда ишлаб чиқарилган замонавий телевизорлар ва мобил телефонлари бепул топширилди.

Саҳоват ва Мурувват уйларида яшаётган кексаларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва саломатлигини мустақамлаш ҳам ҳукумати-мизнинг доимий эътиборида

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ ёзим олди.

1 октябрь — ХАЛҚАРО ҚАРИЯЛАР КУНИ

уларнинг ўзларига қулай вақтида санаторий-соғломлаштириш муассасаларида давлат ҳисобидан даволаниш бўлиб, бу борада муайян ишлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга, кексалар учун туманлар ва маҳалларда мулоқот марказларини ва қизиқишлари бўйича клублар ташкил этиш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун шарт-шaroит яратиш юзасидан кенг қўламини ишлар амалга оширилляпти.

Давлатимиз раҳбарининг "2011 — 2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан 791 нафар ёлғиз кекса протез-ортопедик махсулотлари, эшитиш мосламалари, ногиронлар аравачалари, қўлқўтабқ ва оптик кўзойнақлар билан таъминланди. Айни чоғда 2,5 минг нафарининг уй-ойларни таъмирдан чиқарилди. Бюджет ва ҳомийлар маб-

рушу қатнашчилари ҳамда юртимиз мустақиллиги йўлида фидойилик қилган фахрийларга Ўзбекистон Касабаяушмалари Федерацияси томонидан 300 минг сўмдан пул мукофотлари берилди. Шунингдек, улар дори-дармон воситалари билан таъминланди.

Умуман, ҳукуматимиз томонидан 5963 нафар уруш ва меҳнат фронти фахрийлари ҳамда 100 ва undan ошган кексаларга умумий қиймати 2 миллиард 20 миллион сўмликдан зиёд совғалар берилди. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, жамоат ташкилотлари ҳамда тадбиркор ва фермерлар кўмағида фахрийларга байрам дастурхонлари ёзилиб, уларнинг ҳар бирига мамлакатимизда ишлаб чиқарилган замонавий телевизорлар ва мобил телефонлари бепул топширилди.

Саҳоват ва Мурувват уйларида яшаётган кексаларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва саломатлигини мустақамлаш ҳам ҳукумати-мизнинг доимий эътиборида

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ВА ЭЛЕКТРЛАШТИРИШ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ (ҚҲМЭИТИ) 2016 йил учун катта илмий ходимлар-изланувчилар институти ва мустақил изланувчиликка қуйидаги ихтисослик бўйича қабул эълон қилади.

05.07.01 — «Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаш».

Керакли ҳужжатлар:

- ариза;
- маълумотнома (3.5 шакл бўйича ходимларни ҳисобга олиш шахсий варақаси);
- меҳнат дафтarchасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси. Талабгор камиди 2 йиллик илмий ёки илмий-педагогик (мустақил изланувчиликка камиди 5 йил амалий иш) стажига эга бўлиши керак;
- олий таълим муассасаси магистратураси дипломи ёки фан номзоди дипломи ёхуд магистр даражаси жорий этилганга қадар олинган олий маълумот тўғрисидаги диплом нусхаси (мустақил изланувчиликка талабгорлар бакалаврлик дипломи билан ҳам топширишга ҳақли);
- тадқиқот мавзуси бўйича эълон қилинган илмий маъруза ва докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси;
- илмий журналларда ва нашрларда эълон қилинган

Ҳужжатлар 2015 йил 15 октябрдан 15 ноябргача қабул қилинади.
Кириш имтиҳонлари 2015 йил 1 — 20 декабр кунлари бўлиб ўтади.
Манзил: Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, «Гулбаҳор» а/б, Самарқанд кўчаси, 41-уй, ҚҲМЭИТИ, илмий кадрларни тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш шўъбаси. Телефон: (0-370) 606-13-86.

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 272 ва 287-моддаларига асосан, эгаллигида солиқ солинадиган мол-мулк ва ер участкалари бўлган жисмоний шахслар ҳамда деҳқон хўжаликлари жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиқлари тўловчилари ҳисобланади.

Солиқ даври учун жисмоний шахслар томонидан тўланадиган мол-мулк ва ер солиқларини тўлаш муддати ҳисобот йилининг 15 октябргача этиб белгиланган.

Ўз вақтида тўланмаган солиқ суммасига ҳар бир кечиктирилган кун учун қонунчиликда белгиланган тартибда пеня ҳисобланади, қарзорлик суд тартибда мажбурий ундирувга қаратилади.

Шундай экан, мол-мулк ва ер солиқларини 15 октябрдан кечиктирмай тўлашни унутманг!

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси.

Тошкент давлат стоматология институти

2016 йил учун катта илмий ходимлар-изланувчилар институти ва мустақил изланувчиликка қуйидаги мутахассислик бўйича қабул эълон қилади:

14.00.25 — Клиник лаборатор ва функционал диагностика — 1 ўрин.

Қабулга тиббий (биология, техника) фанлар номзоди даражаси, илмий мутахассислиги, олий касбий таълим даражаси (магистратура), камиди 3 йил ўқитувчи стажига эга Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек, бошқа давлатлар фуқаролари қатнашиши мумкин.

Ҳужжатларни қабул қилиш куйидаги манзилда амалга оширилади:
Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Тараққиёт кўчаси, 103-уй, ТДСИ илмий бўлими.

Ҳужжатлар 2015 йил 15 октябрдан 15 ноябргача қабул қилинади.

Ҳужжатлар ҳар куни (якшанба ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.
Маълумот учун телефон: (0-371) 230-46-80.
Илмий бўлим бошлиғи З. Х. Курьянова.

Qishloq Qurilish Bank

АТБ «Қишлоқ қурилиш банк»

банкоматлар сотиб олиш юзасидан танлов эълон қилади.

Тақлифлар эълон чоп этилган санадан бошлаб 15 кун давомида қабул қилинади.

Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин:

100011, Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси, 18-«А» уй.
Телефонлар:
(+99871) 150-76-47, 150-76-48.
plcard@qqb.uz

Хизматлар лицензияланган.

Тошкент кимё-технология институти

2016 йил учун катта илмий ходимлар-изланувчилар институти ва мустақил изланувчиликка қуйидаги ихтисосликлар бўйича қабул эълон қилади.

Катта илмий ходимлар-изланувчилар

- 02.00.06** — Юқори молекуллар бирикмалар
- 02.00.13** — Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси
- 02.00.14** — Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

Мустақил изланувчилик

- 02.00.05** — Целлюлоза ва целлюлоза-қоғоз ишлаб чиқариш кимёси ва технологияси
- 02.00.06** — Юқори молекуллар бирикмалар
- 02.00.08** — Нефть ва газ кимёси ва технологияси
- 02.00.09** — Товарларни кимёвий таркиби асосида синфлаш ва сертификатлаш
- 02.00.13** — Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси
- 02.00.14** — Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси
- 02.00.15** — Силикат ва қийин эрийдиган нометалл материаллар технологияси
- 02.00.16** — Кимё технологияси ва озиқ-овқат ишлаб чиқариш жараёнлари ва аппаратлари
- 02.00.17** — Қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат

Қўшимча маълумотларни қуйидаги телефон орқали олиш мумкин: (0-371) 244-39-81.
Манзил: Тошкент шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 32-уй, Тошкент кимё-технология институти, Юқори малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш бўлими.

«КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Самарқанд вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиш бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига тақлиф этилади.

1. Аукцион савдосига Самарқанд шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Самарқанд тумани судининг 2014 йил 1 майдаги 1-79-14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Самарқанд шаҳри, Фирдавсий кўчаси, 81-уйда жойлашган, «Samarqand» акциядорлик тижорат банкига тегишли, қурилиш ости майдони 1647,32 кв.м. бўлган маданият уйи, клуб ва гараж биноси 10 фойаз арзонлаштирилиб, такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 3 649 752 910 сўм.

2. Аукцион савдосига Суд департаменти Самарқанд шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Самарқанд тумани судининг 2014 йил 1 майдаги 1-79-14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Самарқанд шаҳри, Гагарин кўчаси, 54-уйда жойлашган, «Samarqand» акциядорлик тижорат банкига тегишли, қурилиш ости майдони 248 кв.м., фойдаланиш майдони 402,88 кв.м.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Махмуд Қошғарий кўчаси, 58-уй. Телефон: (0-366) 233-80-56.
www.1kms.uz rieltsavdo@inbox.uz
Хизматлар лицензияланган.

«КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Фаргона вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиш бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига тақлиф этилади.

Аукцион савдосига Суд департаменти Фаргона вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан Жиноят ишлари бўйича Фаргона вилояти судининг 2011 йил 30 декабрдаги 1-125-2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Олтиариқ тумани, «Ғайрат» ҚФИда жойлашган, А. Нишоновага тегишли дала-ҳовли бино-иншоотлари билан такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 34 980 607 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 19 октябрь кунини соат 15.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2015 йил 12 декабрдаги 20340/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Тахтапул кўчаси, 8-уйда жойлашган, ер майдони 600,0 кв.м., қурилиш ости майдони 359,44 кв.м., фойдаланиш майдони 159,89 кв.м., тураржой майдони 126,12 кв.м. бўлган 7 хонадан иборат уй-жой (ҳовли).

Бошланғич баҳоси — 226 457 682 сўм.
Такрорий аукцион савдолари 2015 йил 20 октябрь

қабул қилишнинг охириги мuddати — 2015 йил 16 октябрь кунини соат 18.00.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосига қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закатал келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фойазидан кам бўлмаган миқдордаги закатал пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчиси — «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Фаргона вилояти филиалининг АТ Халқ банки Фаргона вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020800004920609011. МФО: 00497, СТИР: 207122519.

Манзил: Фаргона шаҳри, Бурхониддин Марғиновий кўчаси, 35-уй. Телефонлар: (0-373) 244-46-39, 244-46-22.
Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz
Хизматлар лицензияланган.

«КО'Р ТАРМОҚИ КО'СНМАС MULK SAVDO» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиш бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига тақлиф этилади.

Аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилди:

* Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан Жиноят ишлари бўйича Юнусобод тумани судининг 2013 йил 21 августдаги 403/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Олтин водий 2-бериқ кўчаси, 59-уйда жойлашган, ер майдони 19992 кв.м. бўлган (0001-литердан 0013-литерга бино-иншоотлар, шундан 0003, 0007, 0009, 0011, 0012, 0013-литерлардаги қурилмалар ҳужжатсиз) нотураржой биноси.

Бошланғич баҳоси — 2 024 940 896 сўм.

* 2013 йил 12 декабрдаги 20340/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Тахтапул кўчаси, 8-уйда жойлашган, ер майдони 600,0 кв.м., қурилиш ости майдони 359,44 кв.м., фойдаланиш майдони 159,89 кв.м., тураржой майдони 126,12 кв.м. бўлган 7 хонадан иборат уй-жой (ҳовли).

Бошланғич баҳоси — 226 457 682 сўм.
Такрорий аукцион савдолари 2015 йил 20 октябрь

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Муқофода ва вафосизлик масалалари қўмитаси шўбэ Қўмита аъзоси, сенатор Гўлчехра Хайитовна Саттарова турмуш ўртоғи **Худойберди Мажидович САТТАРОВНИНГ** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

“Ўзбекқўмир” акциядорлик жамияти ташкилотчи бўлиб, “Ўзқўмирсаннат” илмий тадқиқот лойиҳа институти директори Олмас Абдурауловга падари бузруквори **Эгамқул АБДУРАСУЛОВНИНГ** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этилади.

“Ўзэлектртармок” УК жамоаси “Азамат” спорт-соғломлаштириш маркази директори Алишер Фозилова падари бузруквори **ФАҲРОД ОТАНИНГ** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этилади.

Эзгулик ва маърифат чароғбонлари

Шарқ мутафаккирлари ва алломаларининг асарларида ўқитувчи ҳамда мураббийлар маҳорати, устоз-шогирдлик шартларига кенг ўрин берилган. Жумладан, буюк қалб соҳиби Алишер Навоий ижодида ҳам муаллимлар, тарбиячилар иши, уларга муносабат масалалари алоҳида тилга олинган.

Мустақиллигимизнинг 24 йиллиги арафасида шогирдларим тинимсиз сим қоқишди: "Устоз, юксак мукофот муборак бўлсин!"
Ҳаяжоним ичимга сиғмади. Севинчдан кўзимга ёш қалқиди.

Шогирдларим камоли — менинг бахтим

Шунда нақадар бахтли инсон эканлигимни дилдан ҳис этдим. Беихтиёр кўлимга қалам тутқазган, алифбодан сабоқ берган устозларим ёдимга тушди. Уларнинг бизга, ўқувчиларига бўлган меҳру муҳаббати хотирамда жонланди.

Ўзим дарс бераётган касб-хунар коллежи ҳақида гапирсам, тўлқинланиб кетаман. Бу ерда ўқувчиларимиз энг замонавий асбоб-ускуналар, ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида ҳеч қандай кам бўлмаган илм эгаллашмоқда, шу билан бирга, ўзлари танлаган касб-корнинг сир-синаотларини пухта ўзлаштиришарти.

Коллежимиз ёшларининг

спорт йўналишида эришган муваффақиятлари ҳам эътирофга лойиқ. Хусусан, Шухрат Шомуратов, Рустам Жангабаев, Ҷоҳода Ҳазратбекова каби ўқувчиларимиз оғир атлетика бўйича Осий ва мамлакатимиз миқёсидаги мусобақаларда совринли ўринларни қўлга киритишган. Албатта, буларнинг барчаси биз, устоз ва мураббийларнинг ҳам ютуғи-да!

Хар ўқув йили якунида қўлга касб-хунар коллежи шаҳодатномасини олиб, катта ҳаётга учирма қилинаётган ўқувчиларим ёнимга келиб, "Устоз, сизга раҳмат! Бу ерда олган би-

лим ва кўникмаларимизни юртимиз ривожини йўлида ишлатамиз", дея миннатдорлик билдиришида кўнглим таскин топади.

"Меҳнатнинг роҳатини кўрган одам — бахтли", дейишади. Эсим, ўша пайтларда устозларимиз ҳар тарафдан кўрқув ва ҳадик ҳавф солиб турган замонда, касб-корларнинг шарафини, эъзозини кўрмай, билмай яшаб ўтишди.

Шукр, улар орзу қилган замонда ишлаш бизга насиб этди. Истиклолимиз ва унинг буюк меъморининг доимий эътиборида, халқимиз ардоғида. Бугун озод ва обод юрт

фарзандлари камолоти йўлида меҳнат қилаётганимдан чеқисиз фахрланаман. Шогирдлар иқболдан роҳатланаман. Қувонмай бўларканми, деярли ҳар бир қишлоқда янги мактаб, замонавий касб-хунар коллежи. Ҳали у ердан жаҳон чемпиони чиқади, ҳали бу ердан халқаро фан олимпиадаси голиби! Буларнинг барчаси, шубҳасиз, таълим-тарбия тизимидаги бемисл янгилинишлар, узқни кўзлаб олиб борилаётган ислохотларнинг тотли меваларидир.

Зейнеп КУРБАНБАЕВА,
Хўжайли тумани Тахиятош энергетика касб-хунар коллежи ўқитувчиси.

ЭХТИРОМ

Кун кеча қишлоққа йўлим тушганида, биринчи устозим хузурига бордим. Доимгидек юзларида табассум, кўзларида эса чеқисиз меҳр ифодаси.

Савод чиқардик, илмга ошно бўлдик

...Бундан 15 йил аввал Бекобод шаҳридаги 9-мактаб остонасига илк қадам қўйганимизда, шу инсон бизни кучок очиб қарши олганми. Ўзини Адолат Алиёрова, деб таништирган бу мунис сиймо "Она", "Ватан" каби эзу туйғуларни қалбимизга бутун умрга муҳраб қўйди. Тўрт йил давомида у кишининг саъй-ҳаракатлари туйғайли савод чиқардик, илмга ошно бўлдик.

Ҳамон ёдимда. Ўшанда 4-синфда тахсил олардик. Ўқш дарсида "Хатосини тушунган бола" номли ҳикоя ўқигандик. Шундан таъбирланибми, дарс пайтида тўрт мисра қофияли сўзларни қозғога туширдим ва уни "Синфдошларимга" деб номладим. Шейрни ўқиб берганимда, ҳаммадан кўра Адолат опа қувондилар ва "Баракалла, ўқш ва ёзишдан тўхтама, насиб этса, зўр шоира бўласан", дея оқ фотиҳа бердилар. Ана шу воқеа сабаб шеърятга меҳрим тушди.

Вақт — оқар дарё. Мактабни тамомлаб, барчамиз олий таълим даргоҳларига шошилдик. Бу орада менинг илк шеърларим матбуотда эълон қилина бошлади. Ҳатто мўжазгина тўпламим ҳам босмадан чиқди. 2012 йилда давлатимиз раҳбарининг юксак эътибори ва гафмўрларини яратди. Ўз навбатида Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлганим ҳаётимда унутилмас воқеага айланди. Шунда биринчи устозим ҳаммадан зиёд қувондилар.

Кўп ўтмай, талаба бўлдим. Инглиз тилини мукамал ўргандим. Ҳасос шоирларимиз шеърларини чет тилига ўғираялган. Ҳозир мактабда ўқитувчиман. Бу жараёнда англаб етдимки, устозлик ниятда машаққатли касб экан. Шу боис мен биринчи ўқитувчим олдига доимо бош эгиб, таъзим қиламан!

Ситора ТОШМАТОВА,
Зулфия номидаги
Давлат мукофоти соҳибаси.

... ЮЗ ГАНЖ ИЛА

Шоирнинг "Маҳбуб-ул-қулуб" асари 18-фаслида ўқитувчилик меҳнати машаққати хусусида шундай дейилади: "Унинг иши одам туғул, ҳатто девнинг ҳам қўлидан келмайди. Бир кўчи киши бир ёш болани сақлашга ожизлик қилар эди, у эса бир тўда болага илм ва адаб ўргатади. Лекин шуниси ҳам борки, болалар орасида фахми идрок озрали бўлади. Муаллим бу каби ҳолларда юзлаб машаққат чекади. Шу жиҳатдан олганда, болаларда унинг ҳақи кўп, агар шогирд улғайга, подшоҳлик мартабасига эришса ҳам унга (муаллим)га қулук қилса арзийди".

даражадаги муносабатларини ҳам билиб олишимиз мумкин. Фасл хулосаси сифатида келтирилган байти улғ шогирдининг бугунгача жаҳон кезган, сайёр характердаги ҳамда замонамизда деярли барча зиёлилар ва ёш авлод ёддан билладиган ҳикмати, десак, тўғри бўлади. Байтда улғ шоир мамия ҳорат билан қаламга олган асосий образлар, аксарият ўринларда сўроқ олмашида ифодаланган ким, яъни ўргатувчи устоз ва кишилик олмошида берилган сен, яъни ўрганувчи ўқувчилардир. Ранж — ганж каби қофияда, "ила" восита боғловчиси ёрдамида

лар, аксарият ўринларда сўроқ олмашида ифодаланган ким, яъни ўргатувчи устоз ва кишилик олмошида берилган сен, яъни ўрганувчи ўқувчилардир. Ранж — ганж каби қофияда, "ила" восита боғловчиси ёрдамида

СИЙРАТ

Байт:

*Ҳақ йўлида ким сенга бир харф ўқутмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила.*

Кўриниб турибдики, бошдан-охир бетакрор саъй ва ҳарф асосида ёзилган мазкур фасл ўқитувчи, мураббийларга бағишланган таъриф, тахлил, хулоса ҳамда қиссадан ҳисса сифатида берилган бир байтдан иборат. Фасл бадий, маърифий, тарбиявий жиҳатдан мукамал ҳисобланиши билан бирга, реалистик тасвир асосига қурилган. Чунки ушбу фасл орқали биз қисман Навоийнинг таржимаи ҳолини, яъни илк сабоқ олган даври, ўша даврда ва ундан кейин ҳам устозлари меҳнатини, дарс жараёнларини кўзатгани ҳамда устозлари, дўстларига у ёки бу

яратган радифида ҳам санъаткор шогирдининг бетакрор услуби, юксак маҳорати, сўзга бўлган меҳрини сезиш, кўриш мумкин.

Демак, Алишер Навоий ҳар бир ёшнинг ақлий камолотга етишида илму фаннинг аҳамиятини кўрсатиб ўтиш билан бирга, жамият тараққиётининг асоси саналган илм аҳли, илмни тарқатувчи ўқитувчи ва мураббийларни ҳурмат қилишга, уларнинг турмуш даражасини янада яхшилаш масалаларига ҳам эътибор қаратади.

Буробия РАЖАБОВА,
филология фанлари номзоди.



Алишер ИСРОИЛОВ (ўз.а) олд. сурат.

Кўшработ туманидаги 13-умумий ўрта таълим мактаби ўқувчилари ҳам айна кунда замонавий шартларда тахсил олмоқда. Уларнинг илм-фан сирларини пухта эгаллашларида юқори малака ва маҳоратга эга ўқитувчи мураббийларнинг хизмати беқийс. Хусусан, йигирма олти йилдан бери мазкур ўқув даргоҳида информатика фанидан сабоқ бериб келаётган жонқуяр устоз, "Меҳнат шухрати" ордени соҳиби Абдумўмин Мардоннов ҳам ҳар бир машғулоти интерфаол усулда ташкил этишга алоҳида эътибор қаратади.

Меҳр мавжи

*Тинчлик йўриғида улғайган
болалар, албатта, инсонпарвар,
оқил ва доно бўлиб камолга
етадилар. Ўз билим ҳамда
салоҳияти билан дунёни ҳайратга
солаётган Ўзбекистон ёшларининг
бугунги муваффақиятларини кўриб,
бунга ана бир қарра ишонч
ҳосил қилиш мумкин.*

ФАҲР

Бизнинг Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги Юнусобод академик лицейида ҳам ана шундай иқтидорли ёшлар кўп. Жумладан, ўқувчиларимиз кимё, биология фанларидан жаҳон ҳамда халқаро Менделеев олимпиадаларида шу кунгача бешта олтин, етти та кумуш ва ўн тўртта бронза медални қўлга киритиб, юртимиз доврўгини дунёга ёйишди.

Ана шундай билимлар беллашувларидан бирида хорижлик олим томонидан билдирилган эътироф ҳеч ёдимдан чиқмайди. Ушанда у "Ўқувчиларингиз нафақат аниқ фанлар йўналишида билимини намоеён этишяпти, балки инглиз тилида ҳам бийрон сўзлашмоқда", дея хайратланган эди.

Баркамол авлод — юрт истикболи, эртаниннинг ишончи ва сунъидир. Шу боис биз, педагоглар шогирдларимизга "Шундай ўқингларки, келажакни ёритувчи машъала бўлинглар ва Ўзбекистон хамиша сиз билан фахрлансин!" дея тақдорлаймиз.

Ортиқбой ЭШОНҚУЛОВ,
Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги Юнусобод академик лицейи директори,
«Фидокорона хизматлари учун» ордени соҳиби.

Тақдир тухфаси

Ҳаётнинг қутилмаган тухфалари кўп бўлар экан. Қаранг, кечагина илк бор мактаб остонасига ўқувчи бўлиб қадам қўйгандим. Бугун ёшим йигирма бирда. Яна ўша қадрдон маскандаман. Фидокор устозларимиз қатори ўқитувчи деган шарафли касб эгасиман.

ДИЛ СЎЗИ

Айни пайтда мактабимизда 1000 нафардан ортиқ ўғил-қиз тахсил оляпти. Уларга мураббийлик қилаётган етмиш нафар педагогнинг қарийб ярми олий тоифали, йигирмага яқини "Халқ таълими аълочилиси". Тўрт мураббий эса фарзандлар камолоти, таълим-тарбия жараёнидаги алоҳида фаоллиги учун давлатимизнинг юксак мукофоти — ордан ва медаллар билан тақдирланган.

Кейинги йилларда таълим му-

ассасамиз манзилли дастур асосида бутунлай янги қиёфа касб этди. Замонавий таълим таҳозилари, дарсликлар билан таъминланди. Ёшларнинг таълимий фанларини, чет тилларини пухта ўзлаштиришлари, спорт билан шуғулланишлари учун мукамал шарт-шароитлар вужудга келди. Ҳозир жамоамизга жонқуяр устозимиз, "Эл-юрт хурмати" ордени соҳибаси Марҳабо Курбонова бошчилик қилмоқда.

...Дарс ва машғулотлар туғайди. Йўлак бўйлаб борарканман, икки томонда қатор жойлашган фан кабинетларидан ўтиб, 7-"а" синф тахсил олаётган хона эшигидан аста ичкарига кираман. Ҳов ана, ўрта қатордаги учинчи парта мен учун жуда ардоқли. Кечагина худди шу жойда устозларим сабогини олганман.

Мана, ҳозир ҳам ана жўш урган ҳаяжон билан ўша жойга ўтириб, оҳиста ёза бошладим: "Азиз ва меҳрибон устозларим!"

Бу — айни пайтда ўзим меҳнат қилаётган жонқуяр мактабим жамоамини бугунги байрам билан табриқлаб битажак дил сўзларимнинг биринчи жумласи эди.

Гулрўх ФАРМОНҚУЛОВА,
Пискент туманидаги
1-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси.



(«Халқ сўзи»нинг навбатдаги сон 3 октябрь, шанба кун чикади.)

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маъжаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бу юртимга Г — 1067. 73 448 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни кўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Ўқувчилар (0-371) 232-11-15.



Таҳририятга келган қўғазмалар тақриз қилинмайди ва муаллимга қайтарилмайди. Рекама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терида ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиёва.
Навбатчи — З. Худойшукров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.30 Топширилди — 22.30 1 2 3 4 5